



Qo'qon DPI

**ILMIY
XABARLAR**

ISSN: 3030-3958

Vol.08 № 3/2026

**Qo‘qon DPI.
Ilmiy xabarlar**



**Кокандский ГПИ.
Научный вестник**

№3/2026

<p>УЎК 5/9(08) КБК 72а5 К 99</p>	<p>Bosh muharrir: Qo'qon davlat universiteti rektori D.Sh.Xodjayeva Mas'ul muharrirlar: Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor Sh.Y.Pulatov Mas'ul muharrir yordamchisi: Ilmiy-tadqiqotlar, innovatsiyalar va ilmiy pedagogik kadrlar tayyorlash bo'limi boshlig'i O.Bazarov Nashr uchun mas'ul:A.Ergashev</p>
<p>MUASSIS: Qo'qon davlat universiteti</p> <p>Qo'qon DPI. ILMIY XABARLAR- НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. Кокандский ГПИ. Jurnal bir yilda o'n ikki marta chop etiladi.</p> <p>O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiya agentligida 2020-yil 9-iyulda 1085 raqam bilan ro'yxatga olingan.</p> <p>Jurnaldan maqola ko'chirib bosilganda, manba ko'rsatilishi shart.</p> <p>"Qo'qon DPI. Ilmiy xabarlar" ilmiy jurnali OAK Rayosatining 2021-yil 31- martdagi qarori bilan OAK ilmiy nashrlar ro'yxatiga kimyo, biologiya, filologiya, tarix, 2023-yil 5-maydagi №337/6 sonli Rayosat qarori bilan Pedagogika hamda 2024-yil 8-maydagi 5/7-sonli OAK tartib qoida komissiyasi qarori bilan Jismoniy madaniyat, psixologiya va san'atshunoslik fan tarmoqlari bo'yicha milliy nashrlar sifatida kiritilgan.</p> <p>Tahririyat manzili: 150700, Qo'qon shahar, Turon ko'chasi, 23-uy. Tel.: (0373) 542-38-38. Сайт: www.kspi.uz journal.kspi.uz ISBN: 978-9943-7182-7-2 "CLASSIC" nashriyoti 2026</p>	<p>TABIYIY FANLAR</p> <p>I.I.Гибадуллина, кандидат биологических наук, (РФ) Sh.S.Nomozov, texnika fanlari doktori, professor, akademik (O'ZB) V.U.Xo'jayev, kimyo fanlari doktori, professor (O'ZB) I.R.Asqarov, kimyo fanlari doktori, professor (O'ZB) A.A.Ibragimov, kimyo fanlari doktori, professor (O'ZB) S.F.Aripova, kimyo fanlari doktori, professor (O'ZB) Sh.V.Abdullayev, kimyo fanlari doktori, professor (O'ZB) B.Yo.Abduganiyev, kimyo fanlari doktori, professor (O'ZB) A.E.Kuchboyev, biologiya fanlari doktori, professor (O'ZB) M.T.Isog'aliyev, biologiya fanlari doktori, professor (O'ZB) V.Yu.Isaqov, biologiya fanlari doktori, professor (O'ZB) T.O.Turginov, biologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent (O'ZB) A.M.Gapparov, kimyo fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent (O'ZB) I.I.Oxunov, kimyo fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) (O'ZB) A.Ж.Хусанов-физика-математика fanlari nomzodi, docent (O'ZB) O.A.Turdiboyev, biologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent (O'ZB) G'.M.Ochilov, kimyo fanlari doktori, professor (O'ZB) B.Numonov, texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent (O'ZB) M.Madumarov, biologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent (O'ZB)</p> <p>FILOLOGIYA FANLAR</p> <p>Huseyin Baydemir filologiya fanlari doktori, professor, (TR) И.А.Киселёва, доктор филологических наук, профессор (РФ) В.В.Борисова, доктор филологических наук, профессор (РФ) К.А.Поташова, кандидат филологических наук, доцент (РФ) Э.Р.Ибрагимова, кандидат филологических наук, доцент (РФ) S.Muhamedova, filologiya fanlari doktori, professor (O'ZB) G.Israilov, filologiya fanlari nomzodi, dotsent (O'ZB)</p> <p>IJTIMOIIY FANLAR</p> <p>Л.Г.Насырова, кандидат исторических наук, доцент (РФ) З.В.Галлямова, кандидат исторических наук, доцент (РФ) D.N.Abdullayev, tarix fanlari doktori (DSc), dotsent (O'ZB) M.Rahimov, tarix fanlari doktori (DSc), dotsent (O'ZB)</p> <p>PEDAGOGIKA FANLAR</p> <p>Р.Ф.Ахтариёва, кандидат педагогических наук, доцент (РФ) Н.Н.Масленникова, кандидат педагогических наук, доцент (РФ) Л.А.Максимова, кандидат педагогических наук, доцент (РФ) X.I.Ibragimov, pedagogika fanlari doktori, professor, akademik (O'ZB) B.X.Xodjayev, pedagogika fanlari doktori, professor (O'ZB) B.S.Abdullayeva, pedagogika fanlari doktori, professor (O'ZB) N.A.Muslimov, pedagogika fanlari doktori, professor (O'ZB) N.M.Egamberdiyeva, pedagogika fanlari doktori, professor (O'ZB)</p>

УЙҒУР ТАБОБАТИ АТАМАЛАРИНИ ХИТОЙ ИЕРОГЛИФЛАРИ
ВОСИТАСИДА ИФОДАЛАШГА ОИД ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

<https://doi.org/10.70728/b.series.v08.i03.109>

Гисаров Фарход

*Тошкент давлат Шарқшунослик университети
катта ўқитувчиси*

АННОТАЦИЯ Ушбу мақолада уйғур табобатида доривор сифатида қўлланиладиган шифобахш ўсимликлар номларини хитой тилига иероглифлар воситасида транскрипция қилиш масаласига эътибор қаратилади. Маълумки, уйғур халқ анъанавий табобати ўзининг узок даволаш тарихига эга. Ва бу даволаш тизимида қўлланиладиган ўсимлик ҳамда маъданларнинг номлари уйғур тилида ва уйғур ёзувида ифода этиб келинади. Уйғур халқи Хитой Халқ Республикаси худудида истиқомат қилиб келаётганлиги сабабли бу атамаларни ҳам давлат тили ва ёзувида ўтириш эҳтиёжи юзага келади. Иероглифлар асосида ўқийдиган хитой ўқувчилари бу табобат атамаларининг уйғурча талаффузини билишлари учун “Уйғур табоати хом дорилари энциклопедияси” қўлланмаси муаллифлари бу номларни уйғурча талаффуз асосида хитой иероглифлари воситасида ифодалашга уринганлар. Уйғур тилида туркий тилга хос бўлган фонетик ўзига хосликлар мавжуд, бироқ хитой тилида бўғинларни ифодалаш учун иероглифлар қўлланилади.

Мақолада мана шу икки фонетик тизимни ўзаро мослаштириш йўлида юзага келадиган мураккаблиklar ва хусусиятларига эътибор қаратилади.

КАЛИТ СЎЗЛАР: ёзув кўриниши, Товуш ёзуви, Бўғинли (силлабик) ёзув, Иероглифик ёзув, График шакл, график белги, хитой тили путунхуа системаси, табобат терминлари, атоқли отлар, транскрипция, унли товушлар, ундош товушлар, уйғурча талаффуз этиш меъёрлари.

ANNOTATION This article focuses on the issue of transcribing the names of medicinal plants used in Uyghur medicine into Chinese using Chinese characters. It is well known that the Uyghur traditional medical system has a long history of healing practices. In this medical system, the names of plants and minerals used for treatment are expressed in the Uyghur language and script. Since the Uyghur people live within the territory of the People’s Republic of China, there arises a need to translate these terms into the state language and script. To help Chinese readers, who read using hieroglyphs, understand the Uyghur pronunciation of these medical terms, the authors of the “*Encyclopedia of Uyghur Raw Medicinal Materials*”

attempted to represent the Uyghur pronunciations using Chinese characters. The Uyghur language possesses specific phonetic features characteristic of Turkic languages, while the Chinese language employs characters to represent syllables.

The article focuses on the complexities and peculiarities that arise in the process of adapting and harmonizing these two phonetic systems.

KEYWORDS: writing system, phonetic script, syllabic writing, hieroglyphic writing, graphic form, graphic sign, Chinese Pinyin system, medical terminology, proper nouns, transcription, vowel sounds, consonant sounds, Uyghur pronunciation norms.

КИРИШ

Инсоният тараққийетининг энг муҳим босқичларидан бири бу — ёзувнинг пайдо бўлиши ва ривожланишидир. Илмий адабиётларда ёзув инсониятнинг буюк кашфиётларидан бири сифатида эътироф этилади. Ёзув нафақат мулоқот воситаси, балки жамиятнинг маънавий, маданий ва илмий тараққийетини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Ёзув орқали инсон ўз фикрини, туйғуларини, билим ва тажрибасини бошқаларга етказиш имконига эга бўлди. Шу маънода, ёзув маданиятнинг илдизи, цивилизациянинг пойдевори сифатида қаралади.

Ёзувнинг аҳамияти ҳақида гап кетганда, унинг жамият тарихи, адабиёти, санъати ва ёзма ёдгорликларни ўрганишдаги ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаш зарур. Ёзув орқали биз қадимги цивилизацияларнинг фикрлаш тарзи, дунёқараши ва турмуш тарзини билиб оламиз. Масалан, Миср иероглифлари, Шумер клинопислари, хитой ёзуви ёки туркий халқларнинг руний битиклари орқали ўтмиш авлодлар ҳаёти ҳақида бебаҳо маълумотларга эгамиз. Тилшунослик соҳасида ҳам ёзув муҳим тадқиқот объекти ҳисобланади, чунки тил тарихи ва унинг тараққийетини ўрганишда айнан ёзма манбалар асосий далил вазифасини бажаради.

Ҳозирги замон илмий қарашларига кўра, ёзувнинг учта асосий кўриниши мавжуд бўлиб, улар инсониятнинг тил орқали фикр ифодалаш жараёнини турли босқичларда намоён этади:

1. **Товуш ёзуви (фонемографик ёзув)** — бу турдаги ёзувда ҳар бир белги (ҳарф) муайян бир товушни ифодалайди. Масалан, лотин, кирилл ёки араб алифболари шулар жумласидандир. Бу тизимда ёзув ва талаффуз ўртасида нисбатан яқинлик мавжуд бўлади.
2. **Бўғинли ёзув (силлабик ёзув)** — бу шаклда ҳар бир график белги маълум бир бўғинни англатади. Масалан, япон тилидаги “кана” тизимида ҳар бир белги бир бўғинни ифода этади. Бу тизим тилнинг фонетик табиатига мос ҳолда ривожланади.
3. **Иероглифик ёзув** — бу ёзув турида битта белги бутун бир сўз ёки маънони ифода этади. Яъни, график белги шундоқ сўзнинг мазмунини белгилайди. Қадимги Миср, Хитой ва майя цивилизациялари иероглиф ёзувидан фойдаланган.

Шулар орасидан хитой ёзуви инсоният тарихида энг узоқ яшаб келаётган ва ханузгача амалда бўлган ёзув тизими сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Унинг тарихи камида 3–4 минг йилни қамраб олади. Хитой ёзуви фонетик эмас, балки маъно ифодаловчи тизим бўлиб, ҳар бир иероглиф маълум бир маъно ёки сўзга тенг келади. Бу тизимнинг афзаллиги шундаки, у тилнинг турли диалектларига қарамасдан, ягона ёзма стандартни таъминлайди. Бирок, унинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир иероглифни ёд олиш учун катта меҳнат, билим ва вақт талаб қилинади.

Хитойшунос олимлар, хусусан, Ф. М. Ҳасанова таъкидлаганидек, хитой тилининг фонетик тизими жуда мураккаб бўлиб, **путунхуа** (яъни умумхитой адабий тили)да 414 та бўғин мавжуд. Аммо хитой тилидаги **тонлар тизими** (яъни овоз баландлигининг ўзгариши орқали маъно фарқланиши) туфайли бу бўғинлар сони 1300 дан ортик вариантда талаффуз этилиши мумкин. Бу эса хитой тили фонетикасининг жуда нозик ва тонал хусусиятга эга эканлигини кўрсатади. Масалан, бир хил бўғин турли тонларда айтилганда бутунлай бошқа маъно касб этиши мумкин. Шунинг учун хитой ёзувида фонетик транскрипция жуда катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги замонда хитой тилига хорижий тиллардан кўплаб илмий-техникавий ва соҳавий терминлар кириб келмоқда. Бу атамалар, айниқса, фан, тиббиёт, техника, ахборот технологиялари ва дипломатия соҳаларида кенг қўлланилади. Лекин хитой ёзув тизими фонетик эмаслиги туфайли бу сўзларни айнан талаффузига мос ҳолда ифода этиш доимо осон кечмайди. Шу сабабли кўп ҳолларда улар маъносига яқин бўлган иероглифлар орқали изоҳланади ёки транскрипция йўли билан мослаштирилади. Бирок, бу усулда ҳар доим ҳам асл талаффуз ёки маъно тўлиқ сақланиб қолавермайди. Масалан, инглизча “coffee” сўзи хитой тилида “咖啡 (kāfēi)” шаклида ёзилади, лекин у оригинал талаффуздан бироз фарқ қилади.

Хитой тилидаги диалектлар ҳам бу жараёни янада мураккаблаштиради. Бир хил иероглиф турли вилоятларда бошқача талаффуз этилиши ёки маъноси ўзгариши мумкин. Шу сабабли, хорижий тиллардан киритилган сўзларни диалектлар асосида транскрипция қилиш катта тилшунослик муаммосини келтириб чиқаради. Бундай мураккаб жараёнларда илмий аниқликни таъминлаш учун махсус фонетик стандартлар — **Пиньин тизими** яратилган. У иероглифларни лотин алифбоси орқали фонетик белгилаш имконини беради.

Шундай илмий фаолият мисоли сифатида “Уйғур табобати хом дорилари энциклопедияси”ни келтириш мумкин. Ушбу асарда табобатга оид кўплаб ўсимлик номлари хитой иероглифлари орқали ифодаланган. Бу ҳолат икки муҳим жараёни акс эттиради: биринчидан, миллий маданий меросни умумхитой илмий айланмасига киритиш, иккинчидан, тиллар ўртасидаги илмий ҳамкорликни таъминлаш. Ушбу иероглиф орқали берилган атамалар орқали хитой илмий жамияти уйғур табобатига оид билимларни ўрганиш имкониятига эга бўлди. Шу билан бирга, бу тадқиқотлар

/t/	<u>T t</u>	<u>T t</u>		ت	5
/dʒ/	<u>Ж ж</u>	<u>J j</u>		ج	6
/tʃ/	<u>Ч ч</u>	<u>Q q</u>	<u>Ch ch</u>	چ	7
/x/	<u>X x</u>	<u>H h</u>	<u>X x</u>	خ	8
/d/	<u>Д д</u>	<u>D d</u>		د	9
/r/	<u>Р р</u>	<u>R r</u>		ر	10
/z/	<u>З з</u>	<u>Z z</u>		ز	11
/ʒ/	<u>Ж ж</u>	<u>Z z</u>	<u>Zh zh</u>	ژ	12
/s/	<u>С с</u>	<u>S s</u>		س	13
/ʃ/	<u>Ш ш</u>	<u>X x</u>	<u>Sh sh</u>	ش	14
/ʁ/	<u>Ғ ғ</u>	<u>Q q</u>	<u>Gh gh</u>	غ	15
/f/	<u>Ф ф</u>	<u>F f</u>		ف	16
/q/	<u>Қ қ</u>	<u>K k</u>	<u>Q q</u>	ق	17
/k/	<u>К к</u>	<u>K k</u>		ك	18
/g/	<u>Г г</u>	<u>G g</u>		گ	19
/ŋ/	<u>Ng ng</u>	<u>H h</u>	<u>Ng ng</u>	نگ	20
/l/	<u>Л л</u>	<u>L l</u>		ل	21
/m/	<u>М м</u>	<u>M m</u>		م	22
/n/	<u>Н н</u>	<u>N n</u>		ن	23
/h/	<u>Һ һ</u>	<u>H h</u>	<u>H h</u>	ه	24
/o/	<u>О о</u>	<u>O o</u>		و	25
/u/	<u>У у</u>	<u>U u</u>		و	26
/ø/	<u>Ө ө</u>	<u>Ө ө</u>	<u>Ö ö</u>	ئو	27
/y/	<u>Ү ү</u>	<u>Ü ü</u>		ئو	28
/w/~v/	<u>В в</u>	<u>W w / V v</u>	<u>W w</u>	و	29
/e/	<u>Е е</u>	<u>E e</u>	<u>É é</u>	ئى	30
/i/~i/	<u>И и</u>	<u>I i</u>		ئى	31
/j/	<u>Й й</u>	<u>Y y</u>		ي	32

Уйғур ёзувида тарвуз сўзи تۈۋر шаклида ёзилади ва хитой тилига 西瓜 Xīguā деб таржима қилинади, аммо кўлланмада

تە - 塔- Тя -минора,

ۋۇ - 吾 wú - мен

孜 zī -з,

яъни та-ву-зи иероглифлари воситасида ифодаланган.

Шафтоли (شاپتول) сўзи хитой тилига 桃子 – Táozǐ деб таржима қилинса-да, қўлланмада (شاپتول shaptol) 沙普托力 кўринишида ифодаланган, гарчи мазкур иероглифлар ўз маъноларига эга бўлса-да, яъни:

沙 Shā - кум

普 Pǔ - умумий

托 Tuō - ишониб топширмак

力 Lì - куч

Уйғур тилидаги “кўк чой” атамаси хитой тилига 绿茶 Lǜchá деб таржима қилинади. Қўлланмада кўк чой - بيشل چاي “яшил чой” деб келтирилган бўлса-да, бироқ қуйидаги хитой иероглифлари орқали ифодаланган:

扩克拾也 Kuò kè shí yě – - кўк чой

扩 Kuò - расширять

克 Kè - бажара олмоқ, имконли бўлмоқ, қила олмоқ; енгмоқ, бўйсундирмоқ; шартли ўлчов бирлигининг номи – грамм.

拾 Shí – топиб олмоқ

也 Yě - шунингдек

Уйғур табобатидаги “занжавил” атамаси хитой тилига 干姜 Gān jiāng деб таржима қилинади. “Занжавил” сўзи уйғурча талаффузи асосида қуйидаги иероглифлар ёрдамида транскрипцияланган:

赞 Zàn -мақтамоқ

吉 jí – омадли, муваффақиятли

维 wéi -ўлчов

力 Lì - куч

Уйғур табобатида ишлатиладиган ва шиғобахшлик хусусиятига эга бўлган “румбадиян” ўсимлигик номи хитой тилига 洋茴香 Yáng huíxiāng

деб таржима қилинган ҳамда румбадиян сўзи уйғурча талаффузи асосида қуйидаги иероглифлар воситасида транскрипция этилган:

如 rú -ёқтирмак

米 mǐ -гуруч

别 bié -эмас

地 de – ер

洋 yáng -хорижий

Сумоқ سۇماق ўсимлиги номи хитой тилига 鞣树果 róu shù guǒ деб таржима қилинган, бироқ онлайн таржимада бу ўсимлик номи 漆树果 Qīshù guǒ бўлиб, унинг уйғурча талаффузини ифода этиш учун қуйидаги иероглифлар қўлланилганлигини кўриш мумкин:

苏 sū – Су

马 mǎ - от

克 Kè - бажара олмоқ, имконли бўлмоқ, қила олмоқ; енгмоқ, бўйсундирмоқ; шартли ўлчов бирлигининг номи – грамм.

Уйғур табобатида қўлланиладиган атамалардан бири – тэрик доривор ўсимлигининг номини хитой тилига 小米种子 Xiǎomǐ zhǒngzǐ деб таржима қилинган бўлиб, қўлланмада унинг қисқартилган 小米 Xiǎomǐ шакли келтирилган ва хитойча ёзишда қуйидаги иероглифлардан фойдаланилган:

特 tè - муҳим, 力 lì – куч, 克 Kè - бажара олмоқ, имконли бўлмоқ, қила олмоқ; енгмоқ, бўйсундирмоқ; шартли ўлчов бирлигининг номи – грамм.

Табобатда доривор сифатида қўлланиладиган алқот ўсимлиги хитой тилида - 枸杞子 gǒu qǐzǐ деб аталса-да, унинг уйғур тилидаги талаффузи асосидаги транскрипцияланган шакли 阿勒卡特 (Aleikate) да бошқа иероглифлар қўлланилган, жумладан:

阿 Ā

勒 Lēi

卡 Kǎ – Карта

特 Tè- муҳим.

ХУЛОСА

Хитой Халқ Республикасининг давлат тили ҳақидаги қонунлари талабига кўра мамлакат худудида яшовчи ҳар бир миллат ва элатнинг тилига нисбатан муайян тартиб

ва меъёрлар жорий этилган. Шу жумладан, уйғур халқи тилидаги кўплаб сўзлар, жумладан, ўсимликлар, доривор моддалар ва табиатга оид атамалар ҳам хитой тили орқали расмий илмий айланмага киритилаётгани кузатилади. Бу жараёнда асосий эътибор атамаларни хитой ёзув тизими — иероглифлар воситасида ёзиш, яъни уларни хитой тили талаффузига мослаштириб, транскрипция қилишга қаратилган. Бу усул илмий айланишда тиллар ўртасидаги ўзаро англашувни енгиллаштиради ва умумий илмий стандартни таъминлашга хизмат қилади.

Бироқ халқ нақлида айтилганидек, “иш бор жойда хато бор”. Ҳар қандай илмий жараёнда хатолар, тушунмовчиликлар ёки номувофиқликлар юзага келиши табиий ҳолдир. Шунинг учун ҳам илмий ишда ҳар бир атама, айниқса, табиий моддалар ва доривор ўсимликлар номи билан боғлиқ ифода жуда эҳтиёткорлик билан таржима қилиниши ва транскрипция қилиниши лозим.

Масалан, “Уйғур табобати хом дорилари энциклопедияси” асарида келтирилган “Алқат мевэси” номи шу турдаги мисоллардан бири сифатида қизиқиш уйғотади. Бу ном икки қисмдан — “Алқат” ва “мевэси” сўзларидан иборат бўлиб, биринчи қисми, яъни “Алқат” хитой иероглифлари орқали транскрипция қилинган, иккинчи қисми — “мевэси” эса транскрипциясиз, асл уйғур тилида қолдирилган. Бу ҳолат шундан далолат берадики, айрим атамаларни тўлиқ транскрипция қилишда муайян мураккабликлар мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, “мевэси” сўзи табиий тилдаги семантик аҳамиятини йўқотмаслик учун, ёки унинг фонетик жиҳатдан хитой тилидаги мос ифодаси мавжуд бўлмагани учун, шундай ҳолда қолдирилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Шу билан бирга, “Алқат мевэси” номининг хитой тилидаги таржимаси — **枸杞子 (gǒu qǐ zǐ)** сифатида берилган. Бироқ бу атаманинг Пиньин ёзувидаги вариантыда хатоликка йўл қўйилиб, “gǒu” сўзи ўрнига адашиб “guo” деб ёзилган. Бу каби кичик орфографик хатолар илмий ишнинг умумий мазмунига катта таъсир кўрсатмасида, аслида, аниқлик ва ишонччилик нуқтаи назаридан жуда муҳимдир. Чунки Пиньин тизими — хитой тилининг халқаро фонетик транскрипцияси бўлиб, ҳар бир товуш ва ҳарф маълум талаффузни ифода этади. Бир ҳарфнинг адашиб ёзилиши бутун сўз маъносини ўзгартириши, ёки нотўғри ўқилишга сабаб бўлиши мумкин.

Умуман олганда, уйғур табобатида кенг қўлланиладиган доривор ўсимликлар, табиий моддалар ва шифобахш маҳсулотларнинг номларини хитой тили орқали илмий айланмага киритиш, уларни тартибга солиш ва умумхитой илмий жамияти учун тушунарли ҳолга келтириш — бу ижобий ва илмий жиҳатдан аҳамиятли ташаббусдир. Бу жараён нафақат тиллар ўртасидаги илмий мулоқотни мустаҳкамлайди, балки уйғур халқига хос бўлган қадимий табобат анъаналарини ҳам кенг жамоатчиликка етказиш имконини яратади.

Бироқ, бу жараёни амалга оширишда ҳар бир атаманинг асл маъноси, маданий замини ва тарихий келиб чиқиши ҳисобга олиниши зарур. Ўсимликлар номлари кўпинча

халқ тилидаги рамзий маънолар, диний ва миллий қарашлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Агар уларни шунчаки фонетик тарзда таржима қилиш билан чеклансак, аслидаги маъно йўқолиши мумкин. Шу боис, транскрипция билан бир қаторда, тушунтирма таржималар, изоҳли луғатлар ёрдамида асл атаманинг манбаий мазмунини ҳам сақлаб қолиш муҳим.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, “Алқат мевэси” ёки “枸杞子 (gǒu qǐ zǐ)” атамаси атрофидаги мисол илмий ёндошувнинг қанчалик нозик ва масъулиятли иш эканини кўрсатиб туради. Илмий манбаларда хатоларни аниқлаш ва уларни тузатиш эса келгусидаги тадқиқотлар учун муҳим сабоқ бўлиб хизмат қилади. Бу жараённинг ўзи тилшунослик, фармакология, этноботаника ва маданий меросни ўрганиш соҳаларидаги ҳамкорликнинг намоёнида бўлиб, миллий тилларнинг илмий айланмадаги ўрнини мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга, бу каби тадқиқотлар тил сиёсати нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятли. Хитойдаги миллий озчиликлар тиллари, жумладан, уйғур тили ҳам, давлат сиёсати доирасида маълум чегараларда фаолият юритади. Шундай шароитда, уларнинг илмий ва маданий мероси иероглиф ёзувига мослаштирилиб, умуммиллий маълумот базасига киритилиши — маданий инклюзиянинг ёрқин кўриниши ҳисобланади. Бу, бир томондан, миллий тиллар ўртасидаги тенгликни таъминласа, иккинчи томондан, уларнинг асрий билимларини, жумладан, таъбабат соҳасидаги бой тажрибаларини йўқолишдан сақлаб қолишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, уйғур тилидаги доривор ўсимликлар номларини хитой тили иероглифлари орқали транскрипция қилиш — бу шунчаки тиллар ўртасидаги техник мослашув эмас, балки маданий мулоқот, илмий интеграция ва билимларни умумлаштириш жараёнидир. Ҳар қандай илмий ишлар сингари, у ҳам хатоларсиз кечмайди, аммо асосий мақсад — илмий аниқлик, маданий ҳурмат ва ўзаро тушунишга эришишдир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларга ижобий баҳо бериш тўғри бўлади. Келгусидаги илмий таҳрирлар ва таҳлиллар ёрдамида бу каби орфографик ёки фонетик хатолар бартараф этилиб, икки тилдаги атамаларнинг мукамал мувофиқлаштирилиши таъминланса, бу нафақат тилшунослик, балки фармакология ва этномаданият соҳалари учун ҳам катта ютуқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Abdurahim Yusup., Ali Hoji Emchi. Uyg‘ur tabobati xom dorilar ilmi. Shinjong Xalq Sixxiya nashriyoti. 2012 y. II qism. 1130 b.
2. Ҳасанова Ф. М. Хитой тили (Иероглифика). ТДШИ босмахонаси. Тошкент – 2020. Б. – 188.
3. Ҳасанова Ф. М. Хитой ёзуви иероглификаси асослари фанидан ўқув услубий мажмуа. 2014.

4. Истрин В.А. Возникновение и развитие письма. М.: изд. Вост.лит. 1963. С. – 387.
5. Махмуд ал-Кашгари Диван лугат ат-турк (Свод тюркских языков) [Текст] : в 3 т. Т. 1 / Махмуд ал-Кашгари. - М. : Восточная литература, 2010. - 461 с. - (Памятники письменности Востока). - ОИЛ Инв.1268239 Тюркские языки
6. Малов, С. Е. Памятники древнетюркской письменности [Текст] : тексты и исследования / С. Е. Малов. - М.-Л. : Издательство Академии наук СССР, 1951. - 451 с. Инв.115775 Тюркские языки

“QUTADG‘U BILIK”DA MAQOLLARNING QO‘LLANILISHI <i>Sharipova Sunbula Ahad qizi</i>	594
NOSIR FOZILOV HIKOYASIDA BOSH QAHRAMONLARNING PSIXOLOGIK TASVIRI VA ICHKI KECHINMALARI <i>Jalolova Saodat</i>	599
A TYPOLOGICAL CLASSIFICATION OF UZBEK DIALECTS INTO OGUZ, KIPCHAK, AND KARLUK SUBGROUPS <i>Aslanov Akmal Subxanovich, Subhonova Anora Akmal qizi</i>	605
CHO‘LPON LIRIKASIDA TAKRORNING LINGVOPOETIK O‘RNI <i>Shamatova Gavhar Muradovna</i>	615
MONOSEMY AND POLYSEMY IN AVIATION TERMINOLOGY <i>Tashpulatova Sayfura Bakhodirovna</i>	619
TOHIR MALIKNING, “ODAMIYLIK MULKI” ASARIDA QO‘LLANILGAN AYRIM ANTONIM MA’NOLI BIRLIKLARNING LINGVOMA’NAVIY XUSUSIYATLARI <i>Tilavova Munixon Alijon qizi</i>	624
OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA “MA’NAVIYAT” VA “SPIRITUALITY” TALQINI: O‘XSHASH HAMDA FARQLI JIHATLAR <i>Mo‘minova Shaxnozaxon Uchqun qizi</i>	630
INGLIZ VA O‘ZBEK NASRIDA TASVIRLANGAN JAMIYAT VA AYOL MUNOSABATLARI <i>Umarova Farangiz Baxriddin qizi</i>	637
O‘ZBEK VA TURK TILLARIDA KELISHIKLARNING FUNKSIONAL-GRAMMATIK XUSUSIYATLARI <i>Kushaliyeva Xolida Anvar qizi</i>	644
MEVA VA SABZAVOT KOMPONENTLI FRAZEOLOGIZMLARNING QIYOSIY, LINGVOMADANIY TAHLILI (nemis va o‘zbek tillari misolida) <i>Ismailov Yusub Niyazmetovich, Xamidova Tilovatxon Raxmatjonovna</i>	649
IJTIMOIIY TARMOQLAR (FACEBOOK, INSTAGRAM, TIKTOK) DAGI TIJORIY KONTENTNING O‘ZIGA XOSLIGI, MAHSULOT TAVSIFLARI VA FOYDALANUVCHI SHARHLARI <i>Xolisova Gavharoy Mannobjon qizi</i>	657
УЙҒУР ТАБОБАТИ АТАМАЛАРИНИ ХИТОЙ ИЕРОГЛИФЛАРИ ВОСИТАСИДА ИФОДАЛАШГА ОИД ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР <i>Гусаров Фарход</i>	661
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ КОНЦЕПТА КАК СРЕДСТВО ФОРМИРОВАНИЯ ЯЗЫКОВОЙ КАРТИНЫ МИРА <i>Садинова Мохира Абдирашид кизи</i>	671
USING LINKING WORDS IN TEACHING DIALOGIC SPEECH <i>Khalilova Lenie</i>	679
«ОБРАЗ И ЭМОЦИЯ: ИССЛЕДОВАНИЕ АДЪЕКТИВНО-МЕТАФОРИЧЕСКИХ ЭПИТЕТОВ В ТВОРЧЕСТВЕ Ф. М. ДОСТОЕВСКОГО» <i>Азизбек Баходир ўғли Собиров</i>	684
ПРАГМАТИКА ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ <i>Каращук Виталий Александрович, Абдуллаева Шахризода Равшанбек кизи</i>	688

ТРОПЕИЧЕСКИЙ БЛОК КАК КЛЮЧЕВОЙ ИНСТРУМЕНТ СОЗДАНИЯ ОБРАЗА ВОСПРИЯТИЯ В РОМАНЕ С. МОЭМА «THE RAZOR’S EDGE» <i>Тагаева Тамара Баходировна</i>	695
TURLI TIZIMLI TILLARDA NUTQ ODOBI FORMULALARINING LINGVOKULTUROLOGIK XUSUSIYATLARI <i>Ibrohimova Hadichaxon Madaminjon qizi</i>	701
KOGNITIV METAFORALARNING FRAZEOLOGIK BIRLIKLARDA IFODALANISH XUSUSIYATLARI <i>Ergasheva Gulshod Salomiddin qizi</i>	706
QISQA NASRDA KONFLIKT IFODASI <i>Kulmuhamedova Lobar Anvarjonovna</i>	713
INGLIZ VA O‘ZBEK ADABIYOTIDA PARALINGVISTIK VOSITALARNING QO‘LLANILISHI <i>Dehqonboyeva Madina Ablayor qizi</i>	717
ABDULLA QAHHORNING “O‘TMISHDAN ERTAKLAR”, OYBEKNING “BOLALIK” QISSALARIDA OILA, MAKTAB VA ADABIY MUHIT <i>Abdulahob Zaripov</i>	720
ENGLISH LANGUAGE AND ARTIFICIAL INTELLIGENCE TECHNOLOGIES <i>Ernazarova Khilola Ergashevna, Roziqaliyeva Ziyodaxon Muhammadjon qizi</i>	726
MATN KOMMUNIKATIV-PRAGMATIK NAZARIYA SIFATIDA <i>Davurova Umida Jo'raqul qizi</i>	730
MUQIMIY, FURQAT VA MUHYI HAMD G‘AZALLARIDA ILOHIY ISHQ TALQINI <i>Karimova Nilufar Majidovna</i>	737
THE STUDY OF LANGUAGE AND SOCIETY RELATIONS IN LINGUISTICS: HISTORICAL, THEORETICAL AND INTEGRATIVE PERSPECTIVES <i>Karimov Rivojiddin Gulamjonovich</i>	743
COMMUNICATIVE INTENTION AND PERSUASIVE STRATEGIES IN ECONOMIC TEXTS: A LINGUOPRAGMATIC APPROACH <i>Tursunmuradova Aziza Saidaliyevna</i>	755
LINGUOCULTURAL REPRESENTATION OF RESPECT IN JAPANESE AND UZBEK: A SOCIOPRAGMATIC PERSPECTIVE <i>Urokov Sherbek Tog‘aymurodovich</i>	760
KONSEPTLARNI LINGVOKOGNITIV TAVSIFLASH TAMOYILLARI <i>Nargiza Maxsudova Aslanbekovna</i>	765
ФУНКЦИОНИРОВАНИЕ ПРЕДЛОЖНЫХ КОНСТРУКЦИЙ РУССКОГО ЯЗЫКА И ИХ СООТВЕТСТВИЯ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ <i>Аскарова Маржона Хамза кизи</i>	770

**«Qo‘qon DPI. ILMIY XABARLAR»JURNALIDA CHOP ETILADIGAN MAQOLALARGA
QO‘YILADIGAN
TALABLAR:**

1. Jurnal tahririyatiga taqdim etilayotgan maqolaga:

a) ekspert hayati dalolatnomasi – 2 nusxada;

b) maqola yozilgan ilmiy yo‘nalish bo‘yicha tahrir hay‘atiga kiritilgan fan doktori hamda filolog mutaxassis imzolagan (imzo tegishli tartibda tasdiqlangan bo‘lishi lozim) taqriz-tavsiya ilova qilinadi.

2. Maqolalar o‘zbek, rus yoki ingliz tillarida yozilgan bo‘lishi mumkin.

3. Maqola qaysi tilda yozilishidan qat‘iy nazar unga uch til – o‘zbek, rus va ingliz tillarida mavzu, qisqa annotatsiya, tayanch so‘z va iboralar (kalit so‘zlar) ilova qilinadi.

4. Maqola jurnal tahririyatiga “Microft Word” dasturida (“Times New Roman” 14 o‘lchamli shriftda, satrlar orasi bir yarim intervalda) terilgan holda ikki nusxada, qog‘oz va elektron varianti bilan topshiriladi.

5. Maqolaning umumiy hajmi (rasm, jadval va diagrammalar bilan birgalikda) 8-10 sahifadan, qisqa xabarlarning hajmi 4-5 sahifadan oshmasligi talab etiladi. Maqolaning bir nusxasi muallif(lar) tomonidan imzolanadi.

6. Muallifning familiyasi, ismi-sharifi, ish joyi, lavozimi, manzili (uy va xizmat telefon raqamlari, elektron pochta) ko‘rsatiladi.

7. Agar maqolaga rasm, jadval, diagramma, sxema, chizma, turli grafik belgilar kiritilgan bo‘lsa, ular aniq va ravshan tasvirlanishi, qisqartmalarning to‘liq izohi yozilishi lozim. Formulalar matnga maxsus kompyuter dasturlarida kiritilishi kerak.

8. Iqtibos olingan yoki foydalanilgan adabiyot satr osti izohi tarzida emas, balki maqola oxirida asosiy matndagi ketma-ketligi asosida umumiy ro‘yxatda ko‘rsatiladi. Matn ichidagi ko‘chirmadan so‘ng iqtibos olingan asarning ro‘yxatdagi tartib raqami va sahifasi kvadrat qavs ichida beriladi. Bu o‘rinda kitob, to‘plam, monografiyalar uchun mualliflarning ism-familiyalari, manbaning to‘liq nomi, nashr ko‘rsatkichi (shahar, nashriyot va nashr yili) ko‘rsatiladi. Jurnal maqolalari va boshqa davriy nashrlar uchun mualliflarning ism-familiyalari, maqola nomi, jurnal nomi, yili va soni, sahifa raqami ko‘rsatiladi.

9. Tahririyatga taqdim qilingan maqolalar tahririyat tomonidan taqrizga beriladi. Maqola taqrizdan qaytgach, agar zarur bo‘lsa, barcha savol va e‘tirozlar bo‘yicha muallifga qayta ishlash uchun taqdim etiladi. Maqola nusxalari qaytarilmaydi.

10. Ijobiy taqriz berilgan maqola tahririyat tomonida qabul qilingan sanaladi. Jurnal tahririyati maqola matnini qisqartirish va unga tahririy o‘zgartirishlar kiritishga haqlidir.

11. Institut professor-o‘qituvchilari tomonidan taqdim qilingan maqolalar muayyan yo‘nalishlar bo‘yicha tahririyat a‘zolarining yoki fan doktorlarining taqriz-tavsiyasi (tegishli tartibda rasmiylashtirilgan bo‘lishi lozim) asosida qabul qilinadi.

12. Yuqoridagi talablarga javob bermaydigan maqolalar tahririyat tomonidan qabul qilinmaydi va ko‘rib chiqilmaydi.